

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЕВ БЕКТАШ ОХНОРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАҲЛЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Content of dissertation abstract  
of doctor philosophy (PhD) on political sciences**

**Бердиев Бекташ Охнорович**

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос  
хусусиятлари..... 3

**Бердиев Бекташ Охнорович**

Особенности политической модернизации в Республике  
Узбекистан..... 27

**Berdiyev Bektash Oxnorovich**

Peculiarities of political modernization in Uzbekistan..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИЕВ БЕКТАШ ОХНОРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАҲЛЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ss31 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифаси ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Пахрутдинов Шукритдин Ильясович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳаммадроziқ ўғли</b> сиёсий фанлар доктори, доцент <b>Жўрақулов Фурқат Норйигитович</b> сиёсий фанлар доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Тўйчиев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
ф.ф.д., профессор.

**О.Мусаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., (DSc).

**Б.Тўйчиев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XX асрнинг охириги ўн йилликлари, XXI асрнинг биринчи чорагида дунё миқёсида содир бўлган ва бўлаётган шиддатли сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, ходисалар, воқеликлар ҳар бир мамлакат олдига доимий тараққиётни таъминлаш билан бир каторда, фуқаролик жамияти ва демократик бошқарув тизимини такомиллаштириб боришнинг янгидан-янги йўлларини топиш заруратини қўймоқда. Ҳатто, давлат бошқарувини демократлаштириш ва доимий такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида етарлича тажрибага эга бўлган ривожланган мамлакатларда ҳам сиёсий модернизация жараёнларини доимий равишда оқилона ва самарали амалга ошириб бориш масаласи ҳар доимгидек муҳим омил сифатида кун тартибидан ўрин эгаллаб келмоқда. Зеро, ўтган асрнинг охирида жаҳон сиёсатида юз берган сиёсий ўзгаришлар натижасида дунёнинг айрим минтақаларидаги мамлакатлар сиёсий модернизациялашув мураккабликларини бошдан кечирди ва кечирмоқда.

Дунёда юз бераётган демократик ўзгаришлар, ислохотлар жараёни, жамиятни сиёсий модернизациялаш муаммолари ва концептуал моделларини аниқлаш, демократик ривожланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда уни бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида жаҳондаги кўпгина марказлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сиёсий модернизациялашни такомиллаштириш, глобаллашув жараёнида жамиятни ислоҳ этиш мезонларини аниқлаш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларида илмий марказлар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, сиёсий модернизация эволюцияси ва тадрижий такомиллашуви механизмларини яратиш, жамият истиқболини прогнозлаш, модернизациялаш тузилмаси самарадорлигини ошириш ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш эҳтиёжи бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз янги давлат сифатида жаҳон сиёсатининг таркибий қисмига айланиши, бугунги кунда тез ривожланиб, доимий ҳаракатдаги ислохотларни тўғри йўналтира оладиган тизимни ярата олиши, кейинги тараққиёти учун мақбул йўлни танлаш салоҳиятининг ортиши, ушбу жараёнлар натижасида юзага келган инқирозли ҳолатларга қарши самарали кураш йўлларини ишлаб чиқишнинг зарурати кабиларда намоён бўлди. Зеро, «...бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда»<sup>1</sup>. Шунингдек, Ўзбекистонда давлат бошқарув органлари ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш масаласи энг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир. Сиёсий модернизация жараёнлари ва унинг ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда намоён бўлиш хусусиятларини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: «Ўзбекистон». 2016. –Б.20.

тадқиқ этиб бориш орқали жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган илмий хулосалар ишлаб чиқиш лозимлиги каби омиллар ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сон қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сиёсий модернизация ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларига доир дастлабки ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарларида келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ғояси асосида мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларини сиёсий жиҳатдан модернизациялаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси» ишлаб чиқилди ва унинг концептуал вазифалари 2017-2019 йилларда амалиётга жорий этиб келинмоқда. Мазкур концепция ўзида мамлакатни сиёсий модернизациялашнинг концептуал янги миллий моделини намоён қилиб, илмий ишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилган.

Модернизация назарияси дастлаб АҚШда юзага келиб, 1950-60 йилларда ушбу назария «учинчи дунё» давлатларининг мустамлакачиликдан озод бўлиши ва таракқиётнинг қийинчиликлари, трансформациялашувнинг мураккабликларига дуч келиши натижасида янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. Бу, ўз навбатида, бир қатор илмий қараш ва назарияларнинг вужудга келишига замин яратди.

Сиёсий модернизация ва унинг динамик ривожланиш жараёнлари, моделлари Ш.Эйзенштадт, Д.Аптер, Э.Шиле, Л.Пай, Х.Хакен, А.Бентли, Ж.Ла Паламбара, М.Олсон, Ф.Шмиттер, Ж.Вебер<sup>2</sup>лар томонидан илмий

---

<sup>2</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

тадқиқ қилиниб, унда мамлакатлар ва минтақалардаги сиёсий ўзгаришларнинг характери, ўзига хосликлари, ўзгаришларга нисбатан маданий ҳамда ҳудудий хусусиятлар таъсири кенг ёритиб берилган.

Сиёсий жиҳатдан ривожланиб бораётган давлатлар фаолиятидаги устун хусусиятлар, коммунистик мафқуранинг асоси ҳисобланган марксизмга қарши тараққиёт вариантлари Ғарб олимлари Ё.Шумпетер, Р.Арон, Т.Парсонс, С.Хантенгтон, З.Бжезинский, Р.Даль, Г. Алмонд, К. Дейч, М.Паренти, Р.Инглхарт, Ф.Фукуяма, Р.Дарендорф, Д.Ростоу<sup>3</sup>лар тадқиқотларида кенг таҳлил қилиниб, самарали изланишлар олиб борилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларини хорижлик олимлар Марлен Ларуэлл<sup>4</sup> ва Аслан Явуз Шер<sup>5</sup>лар тадқиқ қилиб, унда Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари, ислохотлар, жамиятдаги ўзгаришлар борасида танқидий ва объектив хулосалар берилган.

Сиёсий модернизация назариясининг ривожланишига собиқ иттифок даврида марксизм нуқтаи назаридан ёндашилиб, Ғарб жамияти ёки бошқа давлатлар тараққиёти коммунистик мафқурага зид ҳисобланган ва ушбу соҳадаги тадқиқотлар чекланган. Коммунистик мафқуранинг инқирози сиёсий модернизация жараёнлари бўйича тадқиқотлар олиб боришга имкон яратди. Россиялик олимлар В.А.Красильшчиков, А.В.Малько, Н.И.Матузова, М.М.Федорова, Р.Т.Мухаев, В.М.Сергеев, Н.И.Бирюков, Я.М.Бергер, Г.Л.Купряшин, М.В.Братерский, М.В.Ильин, А.Ю.Мельвиль, Ю.Е.Фёдоров, С.Я.Матвеева, Л.А.Гордон, Н.М.Плискевич, С.А.Ланцов, С.К.Гаджиев, С.М.Хенкин, Г.Вайнштейн, Г.А.Белов, А.Г.Володин, Л.Беляевлар<sup>6</sup> сиёсий модернизация, демократлашув, фуқаролик жамиятига ўтиш, трансформациялашув, демократик транзит, постсовет ҳудудларда демократик ислохотларнинг кечиши, унинг самарадорлиги ва инқирозлари масаласида самарали тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда сиёсий соҳада амалга ошириладиган ислохотларни, кенг кўламдаги ўзгаришларни, модернизация ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг демократлашувини, либераллашув жараёнларини, тоталитаризмдан демократияга ўтиш характери, шунингдек, сиёсий ўзгариш ва ислохотлар олимларимиз С.Отамуродов, А.Қодиров, Б.Эргашев, Р.Жумаев, Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, С.Жўраев, А.Қодиров, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, У.Идиоров, А.Холбеков, Ф.Жўракулов, И.Коренев, Б.Амонов, Т.Файзуллаев, К.Юнусов, М.Тўракулов, Ш.Қудратходжаев, З.Зарипова, К.Асирбабаева<sup>7</sup> ва бошқалар илмий изланишларида ўрганилган.

<sup>3</sup> Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган.

<sup>4</sup> Марлен Ларуэлл. Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural transformations. Washington, D.C.: The George Washington University, Central Asia Program, 2017.

<sup>5</sup> Aslan Yavuz Şir. Political modernization and informal politics in Uzbekistan. In partial fulfillment of the requirements for the degree of master of science in eurasian studies. July 2007.

<sup>6</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>7</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Лекин юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, устувор йўналишлари, сиёсий модернизация босқичлари, миллий менталитетга хос ислохотлар ва сиёсий модернизация термини қўлланилиши каби масалаларга комплекс тарзда ёндашилмаган бўлиб, кўп муҳим масалалар кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини сиёсий модернизациялаш муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон жамияти сиёсий ҳаётини модернизациялаш жараёнларининг қонуниятлари, унинг устувор йўналишлари, характери, динамикаси доирасида уни янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

давлат ҳокимияти институтларининг янгилиниши ва модернизациялашуви жараёнларини аниқлаштириш;

сиёсий модернизациянинг назарий жиҳатлари ва хорижий мамлакатлар тажрибасини очиб бериш;

мамлакатимизда сиёсий модернизациянинг зарурий жараён эканлигини асослаш ва унга таъсир этадиган омилларни тизимлаштириш;

сиёсий ҳаётни модернизациялаш жараёнларининг мураккабликлари ва унинг натижасида мамлакатимизда юзага келиши мумкин бўладиган ихтилофлар намоён бўлишини илмий баҳолаш;

мамлакатимизда сиёсий модернизациянинг пировард мақсадини аниқлаштириш ҳамда демократлашув ва сиёсий ҳаётнинг либераллашувини янада кучайтириш борасида хулосалар бериш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнлари, сиёсий янгилиниш ва ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** мамлакат сиёсий ҳаётини модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилиши, демократлашув ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, ҳаққонийлик, мантиқийлик, тизимлилик, функционал-тизимлилик, қиёсий таҳлил, тарихий воқелик ва ижтимоий жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва сиёсий институтлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ННТлар

(жамоатчилик назорати субъектлари) фаолиятини жадал ривожлантириш асосий омил эканлиги илмий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар билан боғлиқ сиёсий модернизация жараёнларининг шарқона табиати, ўзига хос даврий босқичлари (1991-2000 йиллар, 2001-2007 йиллар, 2008-2016 йиллар, 2017- ва ундан кейинги йиллар) аниқлаштирилган ҳамда ҳар бир босқичнинг демократик талабларга мос келувчи ижтимоий-сиёсий хусусиятлари очиб берилган;

мамлакатда сиёсий модернизация жараёнининг демократик характерини кўрсатадиган (ҳокимиятларнинг бўлиниши, кўппартиявийлик, демократик сайловлар, демократик институтлар каби) тизимнинг шаклланилиги, шунингдек, жамиятда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг ўзига хос қонуниятлари мавжуд эканлиги асослаб берилган;

жамиятда демократлаштириш ва сиёсий модернизация жараёнларини амалга оширишнинг жадал институционал, сиёсий маданий, мафкуравий, перманент ташқи таъсир, табиий, инсоний ресурслар ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, демократик ислоҳотлар ва сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилишида барқарорликни таъминлаш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг устувор жиҳатларига оид амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашув ва усуллар, расмий ҳужжатлар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, улар ҳақидаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Таҳлиллар, умумлашмалар, хорижий тажрибаларга оид материаллар, Ўзбекистон Республикасида сиёсий модернизация жараёнларини ривожлантиришга доир ислоҳотларнинг сиёсий жараён сифатида тадқиқ этилиши, мамлакатда амалга оширилган маъмурий ислоҳотларнинг умумдемократик ва миллий жиҳатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ишлаб чиқилган хулосалар бу соҳага қизикқан барча илмий жамоатчилик вакиллари - олимлар, зиёлилар ва олий ўқув юртлари талабалари учун илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар ва унда шакллантирилган барқарорликни таъминлаган ҳолда, ўзгаришларнинг динамик йўналишини таъминлаш,

сиёсий институтларни таҳлиллар ва таклифлардан давлат ва жамият сиёсий тизимининг барқарор муҳитини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органлари, ижтимоий-сиёсий институтлар масъулиятини ошириш, бу борада давлат ва жамият миқёсида кенг камровли ислоҳотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари доирасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий модернизация жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш, сиёсий институтлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ННТлар (жамоатчилик назорати субъектлари) фаолиятини ривожлантириш лозимлигига оид хулосалардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятида фойдаланилган. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 13 майдаги 01/799-сон маълумотномаси). Натижада, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини янада ривожланишига, институтда ташкил қилинган ўқув курслари, семинарларнинг илмий савиясини ошириша ҳамда илмий-амалий материаллар тайёрлашга катта ҳисса қўшган;

демократик бошқарув принципларидан келиб чиқиб, сиёсий модернизация жараёнларининг амалга оширилишига таъсир кўрсатадиган (ҳокимиятларнинг бўлиниши, кўппартиявийлик, демократик сайловлар, демократик институтлар каби) омиллар ва уларнинг динамик ривожланиш қонуниятлари мавжуд эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаолиятида фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг 2019 йил 12 сентябрдаги 10-2А/711-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон либерал-демократик партияси фаолиятига жорий этилиши унинг сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ жараёнларнинг жонланишига катта ҳисса қўшган;

мамлакатда демократлаштириш ва сиёсий модернизация жараёнларини амалга оширишнинг (қарорлар қабул қилиш, ресурсларни тақсимлаш, сиёсий мобилизация, иқтисодий плюрализм, давлат ҳокимияти органларининг мослашувчан тизимлари каби) ижтимоий-позитив жиҳатлари билан боғлиқ таклиф ва амалий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 01-12-03-137-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини

тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармонларида белгиланган вазифалар ижросида, шунингдек, вазирлик томонидан олиб борилган тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, вазирлик тизимида ташкил қилинган ўқув курслари, семинарларнинг илмий самарасини ошириш ҳамда тарғибот материаллари тайёрлаш ва «йўл харита»ларини ишлаб чиқишда илмий манба бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар билан боғлиқ сиёсий модернизация жараёнларининг табиати, ўзига хосликлари ва даврий босқичлари аниқлаштирилган ҳамда ҳар бир босқичнинг специфик хусусиятларига доир хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» ва «Ўзбекистон 24» каналларида «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»дан келиб чиқадиган вазифалар ижросида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасини тарғиб қилишда, эксперт сифатида берилган интервьюсидан, компания томонидан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2018 йил 24 майдаги 02-15/1919-сон маълумотномаси). Мазкур хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси тизимида сиёсий ва оммабоп кўрсатувлар тайёрлаш ва уларнинг илмий асосини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 6 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий нашрларда, 8 таси республика нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 151 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети таснифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик жиҳатлари**» мавзудаги биринчи бобида сиёсий модернизациянинг жараён сифатида сиёсий фанларнинг муҳим категорияси эканлиги, унинг эволюцияси, тараққиёт омиллари, ривожланиш босқичлари ва назарий-методологик жиҳатлари таҳлил этилди. Таҳлилларда сиёсий модернизация категориясининг вужудга келиши, тадқиқот йўналишлари, назарий ва амалий ривожланиши, шунингдек, институционал жиҳатлари тадқиқ этилган.

Шунингдек, сиёсий модернизация назариясининг пайдо бўлиши, парадигма сифатида ривожланиши, тадқиқот йўналишлари, моделлари тадқиқ этилиб, инсоният тараққиётида сиёсий тизимлар, бошқарув шакллари ва тадрижий ривожланиб бориши, жамиятда бундай ўзгаришларга нисбатан муносабатлар тизими шаклланиши, уларнинг доимий такомиллашиб борганлиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг пайдо бўлишига олиб келиши масалалари ёритилган.

Сиёсий ўзгаришларнинг ўзи эса бошқариш ва бошқарилиш тузилмаларида замонавий усуллар ҳамда институтлар тузилишини тақозо қилиши илмий ўрганилган.

Тарихий жиҳатдан модернизация дастлаб Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада юзага келган ва ривожланган, кейинчалик эса Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига тарқалган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизим турлари йўналишларининг ўзгариш жараёнлари сифатида талқин қилинганлиги ўрганилган. Сиёсий модернизация назарияларини, концептуал асосларини яратган, сиёсий фанлар тизимига ушбу категорияни мавзу сифатида олиб кирган С.Эйзенштадт, Э.Шилэ, Д.Аптер, Л.Пай, Ж.Ла Паломбара, С.Хантингтон, Т.Парсонс, Д.Ростоу, Г.Алмонд сингари олимларнинг илмий тадқиқотлари чуқур ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар асосида сиёсий модернизациянинг оригинал, яъни босқичма-босқич, узок тарихий жараёнлар натижасида ривожланишнинг оқилона тартиботларини ўзида намоён қилган, сиёсий такомиллашувнинг барча хусусиятларини ақс эттирган биринчи шакли ҳамда баъзи сабабларга кўра ривожланишдан ортда қолган, кейинчалик етакчи мамлакатларнинг кенг тажрибаларини ўз тараққиёт йўлларида фойдаланиши ҳисобига биринчи турга оид мамлакатлар даражасига эришиш йўлидан олға бораётган мамлакатлар тажрибасини ўз ичига оладиган иккиламчи, ақс этувчи шакллари ажратиб кўрсатилган.

«Янгиланиш», «замонавийлашув», «сиёсий модернизация», «замонавий жамият», «аъанавий жамият» тушунчалари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлари ҳамда XX асрнинг 50-60 йилларида Ғарб олимлари томонидан илгари сурилган концепциялар тадқиқ қилинган.

Сиёсий модернизациянинг асосий мақсади сифатида талқин қилинган концепция, яъни аъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш жараёнлари ва унинг ўзига хос омиллари, сиёсий модернизация назариялари, тур ва моделлари илмий таҳлил қилинган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида сиёсий модернизацияни уч хил, яъни консерватив, либерал ва полиархик назариялари ўрганилди. Мазкур йўналишнинг дастлабки консерватив назария бўлиб, бу соҳада чуқур концептуал ғоялар бера олган олимлар С.Хантингтон, Ж.Нельсон ва Х.Линцлар тадқиқотларида сиёсий ривожланишнинг алоҳида хусусиятлари мавжудлиги келтириб ўтилган.

Сиёсий модернизация жараёнларини ўрганишда муҳим йўналиш бўлган либерал назария ҳам тадқиқотда ўз аксини топган. Ушбу назария тарафдори ҳисобланган олимлар қаторига Р.Даль (A Preface to Democratic Theory; Modern Political Analysis; Political oppositions in Western Democracies.), Г.Алмонд, С.Верба (The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Nations), Л.Пай ("The non-western political process"), К.Дейч (The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control, «Politics and Government» 1970) ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар сиёсий тизим имкониятларининг шаклланишини аҳоли ижтимоий ва сиёсий талабларининг ўзгариши билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Халқ ва ҳокимият ўртасида доимий алоқаларни ташкил қилиш очик ижтимоий ва сиёсий ҳаракатларнинг бошланишини англатади. Мазкур йўналишда самарали тадқиқот олиб борган К.Дейч сиёсий модернизацияни иштирок ва сафарбарлик категорияси сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, модернизация ўсиб бораётган сиёсий номарказлаштириш шаклини ўз ичига оладиган оммавий иштирокка боғлиқ<sup>8</sup>. А.Растоу эса «Сиёсий иштирокнинг кенгайиши сиёсий ривожланишнинг асосий калитидир»<sup>9</sup>, дея таъкидлайди. Ушбу концепция тарафдорлари модернизациянинг характери ва суръатини эркин элиталар очик рақобатининг ўсиши ва оддий фуқароларнинг сиёсий жалб қилинганлик даражаси билан боғлайдилар.

Тадқиқотда, шунингдек, полиархия назарияси ҳам ўрганилган. Полиархия назарияси бевосита либерал назария билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунинг ўзига хос сабаби сифатида назарияни яратган олим ҳам либерал, ҳам полиархия концепциялари тарафдори Р.Далдир. У ўзгараётган ёки ўтиш даврида бўлган жамиятларнинг муаммоларини ёритишда қизиқарли фикрларни тақдим қила олган. Ўзининг «Polyarchy: participation and opposition», «Polyarchy, pluralism, and scale» номли тадқиқотларида олим томонидан сиёсий ривожланиш ва модернизациянинг амалга ошиши жамиятда икки асосий мезоннинг мавжудлиги ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги омиллар алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- фуқаролар сиёсий иштирокининг юқори даражаси;
- ҳар хил гуруҳлар ва сиёсий етакчиларнинг ривожланган очик рақобати<sup>10</sup>.

<sup>8</sup> The Nerves of Government: Models of Political Communication and Control. 1963. P. 11.

<sup>9</sup> Dankwart A. Rustow. Transitions to Democracy: Toward a Dynamic Model. 1970. P.334

<sup>10</sup> Robert Alan Dahl. Polyarchy: participation and opposition. Yale University Press, 1973. P 33.

Шунингдек, олим ўз фуқароларига ҳеч бир камситишларсиз манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш имкониятини берадиган реал сиёсий тизимни полиархия, деб атайди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида сиёсий модернизациялашувнинг моделлари ҳам ўрганилган бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг тажрибасида кузатилган ва тадқиқотлар натижасида олимлар томонидан аниқ баҳо берилган уч модели, яъни классик модель, кечикувчи модель ва жадаллашган моделлари мавжудлиги илмий тадқиқ қилинган.

Диссертацияда сиёсий модернизация жараёнларини илмий тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган изланишларнинг кўрсатишича, бугунги кунда сиёсий фанлардаги энг долзарб мавзулардан бири бўлган *сиёсий модернизация* назариясига доир қарашлар ўтган асрнинг 50-60 йилларида вужудга келган.

Сиёсий модернизация назарияси ўз тадқиқот йўналишларига кўра уч – консерватив, либерал ва полиархия назарияларига бўлинади. Ушбу назарияларнинг барчасида демократлашув учун жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши энг муҳим омиллар қаторига киритилган.

Сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида сиёсий модернизациянинг қуйидаги ўзига хос тушунчалари, қоидалари, таърифлари ва ривожланиш тамойилларига доир хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Жамият ривожланиши натижасида инсониятнинг турли соҳалардаги ҳаётий эҳтиёжлари ортиб борган ва ушбу эҳтиёжларнинг қондирилиши учун бошқарув (сиёсат) соҳаси ҳам доимий такомиллашувни талаб қилган. Бошқарувнинг такомиллашуви натижасида сиёсатда модернизация жараёнлари табиий равишда юз берган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда сиёсий модернизация зарурий жараён сифатида**» мавзуга бағишланган иккинчи бобида ўтган асрнинг 90-йилларида юз берган шиддатли сиёсий жараёнлар, ушбу жараёнларнинг асосий иштирокчиларидан бўлган Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг зарурати, бошланиши, босқичлари ва унга таъсир этган омиллар тадқиқ қилинган ва илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Мустақиллик даврида замонавий давлатчиликни, давлат тузилмалари, институтларини яратишнинг зарурати, собиқ иттифоқдан қолган «сиёсий мерос» ва уни бартараф этиш билан боғлиқ сиёсий ислохотлар, уларнинг босқичлари илмий таҳлил қилинган, давлат ҳокимиятидаги институционал ўзгаришлар асосида сиёсий модернизация жараёнларининг энг муҳим тамойиллари ёритиб берилган.

Ўзбекистонда жамиятни янгилаш, давлатчиликни шакллантириш жараёнлари қуйидаги босқичларга бўлиниб, таҳлил қилинган:

-ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар;

-сиёсий ва фуқаролик институтларини демократик мазмун билан бойитиш ҳамда модернизация қилишни ўз ичига олган иккинчи босқич – 2001 - 2007 йиллар;

-қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлаш, мамлакатнинг халқаро имижини юксалтириш, сайлов тизими ва бошқарув соҳасида янги институционал ўзгаришларни жорий қилиш жараёнларини қамраб олган учинчи босқич – 2008-2016 йиллар;

янги демократик ислоҳотлар, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, демократик фуқаролик жамияти институтларининг масъулияти ва салоҳиятини оширишни ўз ичига олган 2017 йил ундан кейинги йиллар босқичи.

Мамлакатда сиёсий модернизация жараёнлари силлиқ кечиши, унинг самарадорлигини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- коммунистик партиянинг етакчилиги ҳамда унинг тузилмаларига бўйсундириб қўйилган, замон талабларига жавоб бераолмайдиган бошқарув соҳаси янгича асосда такомиллаштирилди;

- ижро ҳокимиятини тубдан ислоҳ қилиниб, унга баъзи институционал ваколатлар берилди;

- мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар тизими яратилди;

- замонавий сиёсий институтлар, яъни президентлик, парламент институтлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ташкил топди. Турли инқирозли ҳолатлар четлаб ўтилди. Мамлакатда сиёсий ислоҳотлар тинчлик ва барқарорлик асосида амалга оширилди.

Шунингдек, ушбу бобда ҳар қандай мамлакатда миллий ва давлатчилик тараққиётининг амалга оширилиши ёки маълум тарихий трансформациялашув жараёнларида ушбу ўзгаришларга бевосита хоҳ ижобий хоҳ салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб омилларга боғлиқ бўлиши тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатган қуйидаги омиллар аниқланган: инсон омили, маданий омил, мафкуравий омил, маънавий омил, табиий (иқлим, табиий бойлик ва ҳоказолар билан боғлиқ) омил, ташқи таъсир омили, иқтисодий омил, институционал омил.

Ҳар бир давлат ва жамият модернизациялашувида, албатта, турли омиллар таъсир кўрсатади. Мисол учун, баъзи давлатлар учун табиий омил, баъзилари учун эса ташқи таъсир, айримлари учун институционал омиллар кучли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, юқорида келтириб ўтилган барча омилларнинг ўзига хос таъсири тадқиқ қилинган, ушбу омилларнинг таъсири сиёсий модернизациянинг характери ва йўналиши, стратегияси белгиланиши учун асос бўлганлиги илмий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг хусусиятлари ва устувор йўналишлари» масалаларига бағишланган бўлиб, унда ҳар бир мамлакатда сиёсий модернизация жараёнлари бир хилда бўлмаслиги, бунда миллий, этник, диний, маданий таъсирларнинг мавжудлиги, бошқа кўплаб муаммоларнинг вужудга келганлиги, энг асосийси, мамлакатнинг ушбу муаммоларни бартараф этиш учун олиб борган сиёсати таҳлил қилинган. Шунингдек, демократик, ҳуқуқий давлат куриш ва ушбу жараёнларда сиёсий институтлар масаласи тадқиқ қилинган.

Мазкур бобда мамлакатда сиёсий модернизация жараёнларида дуч келинган муаммолар ёритилган бўлиб, мамлакат аста-секин ушбу муаммоларни бартараф этганлиги, умуминсоний тараққиётга эришиш учун кўплаб модернизация жараёнлари амалга оширганлиги таъкилданган. Муаммолар ичида асосийлари:

1. Мустақилликнинг илк йилларида собиқ СССР тизимини қўмсаш муаммоси бўлиб, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз ўрни ва мавқеини, эгаллаб турган мансабини йўқотган қатламнинг янги ҳаётга, ўзгаришлар жараёнига мослашиши мураккаб кечди. Мамлакатнинг ўтиш давридаги иқтисодий ва бошқа соҳалардаги қийинчиликларини, трансформацион мураккабликлар ва бошқа муаммоларни собиқ иттифокни қўмсайдиганлар мустақил сиёсатнинг хатосига йўйганликларини ҳам мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шунинг учун жамиятда мамлакат томонидан белгилаб олинган сиёсатга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариш учун кураш ушбу тузум тарафдорлари томонидан ҳам авж олдирилди эди. Улар томонидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кенгайтирилиши, бунинг натижасида ислохотларга нисбатан нотўғри, ноҳолис фикрлар юзага келар эди. Бу эса боқимандалик кайфияти йўқолишидаги энг катта тўсиқ ҳисобланар эди.

2. Коррупция ва жинойтчилик муаммоси ҳам собиқ иттифок охириги даврнинг энг катта асорати бўлиб, давлатнинг янги тузумга трансформациялашувида жуда катта салбий ҳодиса сифатида юз беради, ушбу жинойтчилик иллатининг авж олиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради. Ушбу хавфдан барча трансформациялашаётган бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам мустасно бўлмади. Мазкур ҳодисалар туфайли давлат хавфсизлигига жиддий зиён етиши, истиклолга эришган ёш мамлакатга, унда олиб борилаётган ислохотларга нисбатан, юқорида келтириб ўтилганидек, жамиятда ишончсизлик юзага келиши кузатилди

3. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик мустақилликка эришган мамлакат олдида ислохотларга тўсиқ бўладиган энг катта муаммолардан бири сифатида намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса эди. Гарчи ушбу масала ўрта асрларга хос тушунча бўлса-да, бугунги кунга келиб ҳам у ўз долзарблик аҳамиятини йўқотмаган. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик

муаммоси Шарқ жамиятларида Ғарб жамиятларидагига нисбатан бирмунча турли хил хусусиятлари билан ажралиб туради. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, аввало, қариндошларини ўз манфаати ва уруғчилик манфаати юзасидан юқори мансабларга тайинлашда, улар билан бирга, бошқа уруғ-аймоқ вакилларига нисбатан писандсизлик ёки душманлик кайфиятида бўлиш билан характерланади.

4. Ғоявий-мафкуравий муаммолар. Ҳар қандай мамлакатнинг бир тизимдан иккинчисига трансформациялашувида халқнинг жипслигини таъминлайдиган, унинг дунёда глобаллашув жараёнларида юз берадиган ҳар қандай таҳликали ўзгаришларга бардошлилигини оширадиган омил миллатнинг ўз ғояси, мафкурасини яратиш ва уни халқ онгига синдиришдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакат ўз сиёсатида мафкуравий омилга кам эътибор берди. Бунга мамлакат Конституциясида ҳеч бир мафкуранинг давлат мафкураси бўла олмаслиги тамойилининг мустаҳкамлаб қўйилганлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Бироқ, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларнинг ортиб бориши, каттадан-катта сиёсий кучларнинг ўз геосиёсий манфаатларини олға суриши натижасида улар томонидан ғоявий-мафкуравий тажовузлар кўпайиб бора бошлади, мамлакат олдида ўз суверенитетини, миллий қадриятлари ва ўзлигини асраб қолиш, бошқа халқларга, давлатлар ёхуд бирор-бир сиёсий кучларга қарам бўлмаслик учун ўзбек давлатчилигига хос миллий мафкурани яратиш ва уни жорий қилиш зарурати юзага келди.

5. Диннинг сиёсийлашуви масаласи ҳам ўта мураккаб ижтимоий-сиёсий жараён сифатида Ўзбекистонда энг катта таҳдидлардан бири сифатида турли диний оқимларнинг кириб келиши ва уларнинг жамият ҳаёти учун ниҳоятда катта беқарорлартирувчи омил сифатида намоён бўлиши билан баҳоланар эди. Маълумки, мамлакат аҳолисининг аксарияти тарихан ислом динига эътиқод қилиши сабабли, улар онгида, маданияти ва турмуш тарзида исломий қадриятлар чуқур илдиз отган. Узоқ йиллик диндан узоқлашув натижасида халқнинг соф исломий қадриятларни тўлиқ англаб етиши қийин эди, бу ҳолдан бошқа диний оқимлар усталик билан фойдаланишлари мумкин.

6. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг сиёсийлашуви – дунё миқёсида катта глобал жараёнлардан ҳисобланиб, халқаро муносабатларнинг янги феномени сифатида янги мустақилликка эришган мамлакатларда, геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга бўлган минтакаларда жойлашган мамлакатларда куч марказлари томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадларига эришиш учун олиб борилган сиёсий ўйинлар эди. Унда қудратли давлатлар томонидан асосий эътибор ўз манфаатлари учун нишон бўлган мамлакатларга қаратилади, кўплаб соҳалар бўйича турли нодавлат, ноҳукумат мақомидаги ташкилотлар тузилади. Шулар ёрдамида мамлакат аҳолиси онгига бевосита таъсир кўрсатилади, уларни мамлакат раҳбарияти ва олиб борилаётган ислохотларга қарши қайрайди, мамлакатнинг бундай турдаги хатти-ҳаракатларига нисбатан кўрган чора-тадбирлари хақида рўй-

рост айтилмай, инсон ҳуқуқлари бузилаётган, мамлакатда тоталитар тартибот амал қилаётган, давлат раҳбарининг диктатор эканлиги сингари ахборот хуружлари уюштиради, кенг айғоқчилик фаолияти олиб борилади.

7. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг замон талабларига мос фаолият юрита олмаганлиги Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар амалга оширилиши жараёнидаги муаммоли масалалардан бири сифатида намоён бўлган ва бўлиб келмоқда. Сиёсий партиялар ўтиш даври шароитларига тезда самарали мослаша олмадилар, юқорида айтиб ўтилганидек, бевосита мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиётига доир лойиҳа, дастур ва кенг қамровли масалаларда уларнинг таъсири, фаолияти деярли сезилмас эди. Бунинг сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, сиёсий партиялар замон талабларига мувофиқ келадиган янги иш услубларига эга эмаслиги;

иккинчидан, мамлакат ўтиш даври шароитида ижро ҳокимиятининг бир қанча кенг ваколатларга эга бўлганлиги;

учинчидан, аҳолининг узоқ йиллар мобайнида тоталитар тузум шароитида яшаб, давлат институтига асосий сиёсий куч ва ислохотларни амалга оширувчи сифатида қараши ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганлиги;

тўртинчидан, мамлакат аҳолисининг менталитетида, маданиятида партия ва ҳаракатларга уюшиш ҳамда уларга ўз манфаатларини ифода этадиган сиёсий куч сифатида қараш хусусиятларининг шаклланмаганлиги ва аҳоли аксарият қисмининг сиёсий партиялар ва улар фаолиятига бепарволиги каби омиллар сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тезда ўз ўрни ва позициясига эга бўла олмаганликларига олиб келди.

8. Замонавий кадрлар билан таъминлаш муаммосини ўз вақтида англаб етган мамлакат раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бу борада кенг ислохотлар олиб борилди. Мамлакатда ўзгаришлар ва замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш, собиқ иттифоқ даврида партиявий услубда фаолият кўрсатган ва эскича фикрлайдиган раҳбар кадрлар ўрнини замонавий билимлар билан қуролланган, ислохотлар жараёнларига янгича ёндашадиган мутахассислар билан алмаштириш, раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини кескин ўзгартириш сингари масалалар энг муҳим вазифалардан эди. Чунки, мамлакатда кенг демократик ўзгаришлар учун энг катта тўсиқ бўладиган кучлар вужудга келишида ўз ўрнини, мавқеини, энг асосийси, эгаллаб турган мансабини йўқотишни истамайдиган раҳбарлар ниҳоятда кўп эди. Шу билан бир қаторда, замонавий бошқарув усуллари жорий қилишга лаёқатсиз бўлган раҳбар кадрлар ҳам мамлакат сиёсий модернизациялашувига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

9. ОАВ фаолияти пасивлиги ва сиёсий маданият муаммоларининг ўзига хослиги ҳам мамлакат сиёсий модернизациялашувига энг катта муаммоли ҳолатлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Ҳар бир давлат ва жамият кенг демократик ўзгаришларни амалга оширишда дуч келадиган мураккабликларга Ўзбекистон ҳам дуч келди. Ўз мустақил тараққиёт

жараёнида мамлакат олдинги тузумдан қолган мураккабликларни ҳал қилиш билан бирга, янгидан-янги муаммоларнинг ечимини топиш ва уларни бартараф этишга мажбур бўлди.

Бобда Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг динамикаси ва йўналишлари, мустақил тараққиёт йўли танлаб олинган дастлабки кунларданок эркин замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, замонавий давлат қуриш йўлида унга мос бошқарув тизимини қарор топтириш учун тизимли ислохотлар амалга оширилганлиги, сиёсий тараққиёт мақсадлари аниқлаб олинганлиги масалалари тадқиқ қилинган.

Шу билан бир қаторда, ижро ҳокимияти ва баъзи куч тузилмаларига жуда катта ваколат берилиши натижасида қутилган натижаларга эришилмаганлиги таҳлил қилинган. Бунинг асосий сабаблари сифатида:

- демократия ва фуқаролик жамияти кўпроқ декларатив характерга эга бўлганлиги;

- қарорлар қабул қилинишида давлат раҳбарининг ваколатлари кенгайтирилганлиги;

- «давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш» шиори остида куч тузилмаларининг ҳаддан ортиқ фаоллиги ва давлат ҳокимияти томонидан олиб борилаётган сиёсатга нисбатан ҳар қандай ҳолис фикр ва ҳаракатлар дарҳол буғиб қўйилганлиги, демократик-фуқаролик жамияти институтларининг хўжакўрсинга мавжуд бўлганлиги масалалари таҳлил қилинган.

Сиёсий модернизациянинг мутлақо янги йўналиши сифатида 2016 йилдан кейинги даврда Президент Ш.Мирзиёев томонидан жадаллашган демократия сифатида, аввало, фуқаролар руҳиятида демократияни қарор топтириш ва давлат бошқарув институтларининг фаолиятини бутунлай ислох қилиш масалалари ўрин олганлиги таҳлил қилинган. Ушбу жараёнларда янги сиёсий тузилмалар ва институтлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва уларнинг минтақавий бўлимлари, Давлат хизмати агентлиги, 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралар) ташкил топди. Ижро ҳокимиятининг асосий институти бўлмиш Вазирлар Маҳкамаси ҳам кенг ислохотларни бошдан кечирди, унинг фаолиятига оид энг самарали механизмлари доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан қисқа муддатда амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг давоми сифатида қуйидаги ишларни кўрсатиш мумкин:

- маҳаллий ҳокимликларнинг масъулияти ва ваколатлари кенгайтирилди;

- ислохотларнинг маънавий асослари мустаҳкамланди;

- ёшлар ташкилотларининг фаолияти қайтадан ислох қилинди;

- миллий хавфсизлик тизимининг ваколатлари демократик ўзгаришларга мос равишда ислох қилинмоқда;

- сайлов тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда ва унинг мантикий давоми сифатида янги сиёсий партия ташкил топди;

- кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат тамойиллари яратилди.

Шунингдек, сиёсий модернизациянинг ушбу фаслида мамлакат раҳбари томонидан сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси ва уларнинг фракциялари фаолиятини жонлантириш, шунингдек, сайлов тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида ташаббусларни илгари сурилди.

Мамлакат кўплаб давлатлар тараққиётида тўпланган ва миллий давлатчилик тараққиётимизга мос келадиган тажрибалардан фойдаланди. Лекин бирор-бир моделни кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормади. Чунки ҳар бир мамлакат ва жамиятнинг ўз мақбул йўли ҳамда воситалари мавжуд бўлиб, бу йўл ва усуллар фақат ўша жамият учунгина ижобий кечиши илмий исботлаб берилган.

Мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг бутунлай янги концептуал асослари таклиф этилди.

